

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ

Азимов Раҳматилла Лутфулла ўғли

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистратураси тингловчиси

E.mail: mr.azimov92@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мақолада солиқ органлари ижро ҳужжатларини ижро этишининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, солиқ органларининг ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш институтининг юридик табиати ҳақида айрим тадқиқотчи олимлар томонидан билдирилган фикрлар, ҳозирги замонавий шароитда солиқ органлари ҳужжатларининг самарадорлигини ошириш борасида айрим тавсиялар муҳокама қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: солиқ, солиқ органлари ҳужжатлари, солиқ органлари ҳужжатларини ижрога қаратиш, солиқ қарзларини ундириш.

ANNOTATION: The article discusses the specific aspects of the execution of tax authorities' documents, as well as opinions expressed by some research scholars about the legal nature of the institution of enforcing tax authorities' documents. It also provides recommendations on improving the effectiveness of tax authority documents in modern conditions.

KEYWORDS: tax, tax authority documents, enforcement of tax authority documents, collection of tax debts.

Солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш тартиби тушунчаси – солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятлари ихтиёрий бажарилмаганда, солиқ органи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган изчил процессуал ҳаракатлар тизими орқали солиқ қарзини мажбурий ундириш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва ваколатли органларга юбориш жараёнини ифодаловчи ҳуқуқий-процессуал институтдир.

Солиқ органлари ҳужжатларини ижрога қаратиш институтининг юридик табиати ҳақида бир қанча илмий қарашлар мавжуд.

Рус ҳуқуқшунос олими С.Г.Пепеляев таърифига кўра, “солиқ органларининг ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш институти – солиқ ҳуқуқи ва ижро ҳуқуқининг туташган соҳасидаги комплекс ҳуқуқий институт бўлиб, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини таъминлашга қаратилган нормалар тизимидир” деб таъкидлайди. [1.]

Яна бир рус олими А.В.Брызгалиннинг фикрича, “бу институт солиқ маъмуриятчилигининг марказий элементларидан бири бўлиб, солиқ-ҳуқуқий мажбуриятларни бажарилишини таъминловчи давлат мажбурлов механизмини ифодалайди”. [2.]

Ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан Ҳ.Т.Адилкариев солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш жараёнини “махсус ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган маъмурий-процессуал фаолият” сифатида таърифлайди. [3.]

М.М.Маматов солиқ органларининг ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш институтининг амалий жиҳатларини таҳлил қилиб, унинг таълимотига кўра, мажбурий ижрога қаратиш “ижро ҳужжатларининг юридик кучини таъминлаш механизми” сифатида талқин қилинади. [4.]

Ғарб ҳуқуқ мактаби вакилларида бири бўлган германиялик олим Клаус Типке (Klaus Tipke) солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратишни “давлат фискал функциясини процессуал таъминлаш механизми” сифатида талқин қилади. [5.]

Француз олими Мишель Бувиер (Michel Bouvier) концепциясига кўра, солиқ ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш “фискал суверенитетни амалга ошириш воситаси” сифатида қаралади. [6.]

МДҲ давлатлари олимларидан А.Н.Козырин солиқ органларининг ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш институтини “фискал функцияни амалга оширишнинг процессуал-ҳуқуқий механизми” сифатида талқин қилади. [7.]

Е.В.Порохов (Қозоғистон) эса, мажбурий ижро жараёнини “солиқ мажбуриятларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати” сифатида қарайди. [8.]

Юқоридаги илмий қарашлардан солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, солиқ органи томонидан солиқ қарзини мажбурий ундириш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва ваколатли органларга юборишни ифодаловчи ҳуқуқий-процессуал жараёндир деган умумий хулосага келиш мумкин.

Қайд этиш керакки, солиқлар давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишда энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Солиқлар белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда тушиши давлат миқёсида амалга ошириладиган барча чоратadbирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг ҳаражат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади. Шу муносабат билан солиқлар ва йиғимларни белгиланган муддатда ҳамда тўлиқ келиб тушишини таъминлаш вазифаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқларни муддатида тўланишини таъминлаш эса солиқ қарзини имкон қадар пайдо бўлишини олдини олиш ва пайдо бўлгандан сўнг уни самарали ундириш билан амалга оширилади.

Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўлиқ ундирилиши хўжалик юритувчи субъектларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда улар манфаатини қонуний ҳимоялаш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига биноан, фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаши шарт эканлиги белгиланган. [9.] Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 8-моддасидаги “мажбурийлик принципи”га кўра, “Ҳар бир шахс Солиқ кодексига

белгиланган солиқлар ва унда назарда тутилган йиғимларни тўлаши шарт” эканлиги келтирилган. [10.]

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 15-бобида (“Солиқ қарзини ундириш”) солиқ қарзини мажбурий ундиришнинг барча жараёнлари ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзларини қисқартириш ва янги қарзларни пайдо бўлишини олдини олиш ҳамда солиқлар ва йиғимларни белгиланган муддатда бюджетга келиб тушишини назорат қилиш солиқ органларининг эътибор бериладиган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш солиқ қарзларини ундиришнинг муҳим механизми бўлиб, бюджет даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ органларининг ижро ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш тартиби қуйидаги асосий қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрир) – мажбурий ижрога қаратиш тартиби, муддатлари ва механизмларининг асосий қоидаларини белгилайди.

“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонун – солиқ органларининг ваколатлари, функциялари ва ижро ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқини белгилайди. [11.]

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун – ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тартибини, давлат ижрочиларининг ваколатларини, ижро ҳаракатларини амалга ошириш қоидаларини белгилайди. [12.]

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик [13.] ва фуқаролик процессуал кодекси [14.] – жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини ундириш бўйича суд процессуал жараёнини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс – солиқ органлари қарорлари устидан судга шикоят қилиш тартибини белгилайди. [15.]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори – солиқ хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар ишининг самарадорлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилигини модернизация қилиш орқали бюджет даромадларини барқарор шакллантиришга қаратилган. [16.]

Давлат солиқ қўмитасининг тегишли йўриқномалари – солиқ органлари томонидан мажбурий ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва ижрога қаратиш бўйича процедуравий қоидаларни белгилайди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими солиқ органлари ижро ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш ва ижро этишнинг ҳуқуқий механизмини тўлиқ тартибга солади.

Қуйида солиқ қарзини мажбурий ундириш жараёни босқичлари ва солиқ қарзини ундиришнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Солиқ қарзини мажбурий ундириш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома
2. Солиқ қарзини банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ундириш
3. Солиқ қарзини бошқа мол-мулк ҳисобидан ундириш
4. Солиқ қарзини суд тартибида ундириш

Талабнома юбориш босқичи. Солиқ кодексининг 115-моддасида - Солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш хусусида сўз бориб, унга кўра солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлган солиқ тўловчи уни тўлашга доир тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банкка, ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари бор-йўқлигидан қатъи назар, Солиқ кодексидида белгиланган тўлов муддатидан кечиктирмасдан тақдим этиши шарт эканлиги белгиланган. Агар солиқ тўловчида тўланмаган солиқ қарзи мавжуд бўлса, солиқ органи унга солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин уч кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборади.

Солиқ тўловчига унинг зиммасидаги солиқ қарзи суммаси тўғрисида, шунингдек шу қарз суммасини белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти ҳақида хабар юбориш солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномадир. (Солиқ кодексининг 116-моддаси)

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномада солиқ бўйича қарз суммаси, талабнома юборилаётган пайтга ҳисобланган пенялар миқдори, жарималар суммаси, шунингдек солиқ тўловчи талабларни бажармаган тақдирда, солиқ қарзини ундириш ва солиқ мажбурияти бажарилишини таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан олинган кундан эътиборан олтмиш календарь кун ичида солиқ қарзи тўланмаган тақдирда ва агар Солиқ кодексининг 120-122-моддаларида назарда тутилган чоралар қўлланиши натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, солиқ органи ундирувни Солиқ кодексининг 123-124-моддаларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги умумий қоидалар. Солиқ кодексининг 120-моддасида Солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги умумий қоидалар назарда тутилган.

Юридик шахсдан ёки якка тартибдаги тадбиркордан солиқ қарзини ундириш Солиқ кодексининг 121-124-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш Солиқ кодексининг 125-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахсдан ёки якка тартибдаги тадбиркордан солиқ қарзини ундириш дастлаб унинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан, улар етишмаган тақдирда эса мазкур шахснинг бошқа мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Агар солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан оладиган тушуми ёки бошқа даромадлари бошқа шахсларнинг банкдаги ҳисобварақларига

келиб тушган бўлса, солиқ тўловчининг солиқ қарзи шу шахслардан ундирилиши мумкин.

Солиқни суд тартибида ундириш куйидаги ҳолларда ҳам амалга оширилади, агар солиқни тўлаш мажбурияти:

1) солиқ органи томонидан битимни тавсифлашни, солиқ тўловчининг мақомини ёки фаолияти хусусиятини ўзгартиришга асосланган бўлса;

2) ўзаро алоқадор шахслар ўртасида битимлар тузилиши муносабати билан трансферт нарх белгилаш чоғидаги солиқ назорати натижаларига кўра юзага келган бўлса.

Солиқ қарзини банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ундириш. Солиқ кодексининг 121-моддасига кўра, солиқ қарзи белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ қарзини ундириш — ундирувни банк ҳисобварақларидаги пул маблағларига (шу жумладан, корпоратив карталардаги пул маблағларига) қаратиш йўли билан мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари фақат юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ қарзини ундириш солиқ органи томонидан мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварағи очилган банкка ушбу шахснинг ҳисобварақларидан зарур пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга ўтказиш учун инкассо топшириқномасини электрон шаклда юбориш йўли билан амалга оширилади.

Агар солиқ тўловчи солиқни тўлаш учун тўлов топшириқномасини мустақил равишда юбормаган бўлса, солиқ органининг инкассо топшириқномаси солиқ тўловчининг ҳисобварағига солиқни тўлаш учун белгиланган муддат тугагач уч иш кунидан кечиктирмай қўйилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномаси банк томонидан фуқаролик тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган тўловлар навбатини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

Солиқ қарзини бошқа мол-мулк ҳисобидан ундириш. Солиқ кодексининг 123-моддасига кўра, агар мажбуриятга эга шахснинг солиқ қарзини Солиқ кодексининг 121 (*Солиқ қарзини банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ундириш*) ва 122-моддаларида (*Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан солиқ қарзини ундириш*) назарда тутилган тартибда ундириш мумкин бўлмаса, солиқ органи солиқ қарзини шу мажбуриятга эга шахснинг бошқа мол-мулки, шу жумладан нақд пул маблағлари ҳисобидан ундиришга ҳақли.

Солиқ қарзини ундириш солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномада кўрсатилган суммалар доирасида ҳамда Солиқ кодексининг 121 ва 122-моддаларига мувофиқ ундирув амалга оширилган суммаларни ҳисобга олган ҳолда амалга

оширилади. Ушбу модданинг қодалари солиқ қарзини фақат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан ундиришга нисбатан қўлланилади.

Мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш куйидагиларга нисбатан ушбу кетма-кетликда амалга оширилади:

1) Солиқ кодексининг 121 ва 122-моддаларига мувофиқ ундирув қаратилмаган нақд пул маблағларига нисбатан;

2) маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган мол-мулкка, хусусан, қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган бинолар, енгил автотранспорт, хизмат хоналарининг дизайни ашёларига нисбатан;

3) тайёр маҳсулотларга (товарларга), шунингдек ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган ва (ёки) бевосита иштирок этишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

4) ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш учун мўлжалланган хом ашё ва материалларга нисбатан, шунингдек дастгоҳлар, ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситаларга нисбатан;

5) бошқа шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш шартномаси бўйича ушбу мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи уларга ўтказилмаган ҳолда топширилган мол-мулкка нисбатан, агар солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун бундай шартномалар бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

б) бошқа мол-мулкка нисбатан, бундан якка тартибдаги тадбиркор ёки унинг оила аъзолари кундалик шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган, қонунчиликка мувофиқ белгиланадиган бошқа мол-мулк мустасно.

Солиқ қарзини суд тартибида ундириш. Солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарздорлигини ундириш суд тартибида амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарздорлиги тан олинса, солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига биноан солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан солиқ қарздорлиги ундирилиши мумкин.

Солиқ органи мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишли қарорни қоғозда ёки электрон шаклда ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда ижро этиш учун мажбурий ижро этувчи давлат органига юбориши керак.

Агар якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахс солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаган бўлса, солиқ органи солиқ қарзини ушбу жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. (Солиқ кодексининг 125-моддаси)

Ундириш тўғрисидаги аризага солиқ органининг талабномани таъминлаш тартибида жавобгарнинг мол-мулкини хатлаш ҳақидаги илтимосномаси илова қилиниши мумкин.

Солиқ қарзини жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш қуйидагиларга нисбатан ушбу кетма-кетлик билан амалга оширилади:

1) банк ҳисобварақларидаги пул маблағларига;

2) нақд пул маблағларига;

3) бошқа шахсларга шартнома бўйича эгалик қилишга, фойдаланишга, тасарруф этишга берилган мол-мулкка, ушбу мол-мулкка доир мулк ҳуқуқи уларга ўтмаган ҳолда, агар солиқ мажбурияти ижросини таъминлаш учун бундай шартномалар бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

4) бошқа мол-мулкка, бундан қонунчиликка мувофиқ белгиланадиган жисмоний шахснинг ёки унинг оиласи аъзоларининг қундалик шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган мол-мулк мустасно.

Солиқ қарзи жисмоний шахснинг пул маблағлари кўринишида бўлмаган мол-мулки ҳисобидан ундирилган тақдирда, солиқ қарзи бундай мол-мулк реализация қилинган ва ундан келиб тушган суммалар ҳисобидан тўланган пайтдан эътиборан тўланган деб ҳисобланади.

Эътироф этиш керакки, солиқ органларининг ижро ҳужжатлари тизимини ривожлантириш нафақат солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишга, балки солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ маданиятини юксалтириш ва давлат бюджети даромадларини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги замонавий шароитда солиқ органлари ҳужжатларининг самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, солиқ тўловчилар билан масофавий алоқа механизмларини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини автоматлаштириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Зотан, солиқ органлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва самарали ижро этилиши давлат молиявий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва солиқ маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Пепеляев С.Г. Налоговое право. – М.: Норма, 2021. – С.367.
2. Брызгалин А.В. Налоговое администрирование. – М.: Юристъ, 2020. – С.256
3. Адилкариев Ҳ.Т. Солиқ ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б.198.
4. Маматов М.М. Солиқ органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б.215.
5. Tipke K. Steuerrecht. – München: C.H.Beck, 2021. – P.356.
6. Bouvier M. Droit fiscal. – Paris: LGDJ, 2021. – P.278.
7. Козырин А.Н. Налоговое право. – М.: Норма, 2020. – С.334.

-
8. Порохов Е.В. Налоговое администрирование. – Алматы: Жеті жарғы, 2021. – С.245.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Электрон манба) <https://constitution.uz/uz/clause/index>
10. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси янги тахрирда. (Электрон манба) <https://lex.uz/mact/4674902>
11. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/40158>
12. Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни (Электрон манба) <https://www.lex.uz/acts/26477>
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Электрон манба) <https://lex.uz/mact/111189>
14. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/3517337>
15. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (Электрон манба) <https://www.lex.uz/acts/3527353>
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/4290724>